

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.  
02/30.12.2019. Tar.56.01. РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАДИНА БОТИРЖОНОВНА КАРИМОВА**

**ЎЗБЕК АЁЛЛАРИ ТУРМУШ ТАРЗИДА ИСЛОМ ДИНИ  
(Фарғона водийси мисолида)**

**07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент, 2022**

УЎК: 94/19/:39-055.2:28(575.12)(043.3)

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Мадина Ботиржоновна Каримова**

Ўзбек аёллари турмуш тарзида ислом дини

(Фарғона водийси мисолида).....3

**Мадина Ботиржоновна Каримова**

Ислам в повседневной жизни узбекских женщин

(на примере Ферганской долины)..... 27

**Madina Botirjonovna Karimova**

“Islam in the uzbek women’s lifestyle

(at the first Fergana Valley).....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....55

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.  
02/30.12.2019. Tar.56.01. РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАДИНА БОТИРЖОНОВНА КАРИМОВА**

**ЎЗБЕК АЁЛЛАРИ ТУРМУШ ТАРЗИДА ИСЛОМ ДИНИ  
(Фарғона водийси мисолида)**

**07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

---

**Тошкент, 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2019.4 PhD/ Таг 67 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.fati.uz](http://www.fati.uz)) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz))да жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Адҳамжон Азимбаевич Аширов**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Алишер Худайбердиевич Дониёров**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Нодирбек Ураимович Абдулахатов**  
тарих фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:**

**Мирзо Улуғбек номидаги**  
**Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги илмий даражаларни берувчи DSc 02/30.12.2019. Таг.56.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2022 йил “6” апрел соат 10:30 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яхё Ғуломов кўчаси, 70-уй, Фанлар академияси асосий биноси, 110-хона. Тел.: (99871) 233-54-70; факс: (99871) 233-39-91, e-mail: [info@fati.uz](mailto:info@fati.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин ( \_\_ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри Зиёлилар кўчаси 13-уй). Тел.: (99871) 262-74-58; факс: (+99871) 262-34-41).

Диссертация автореферати 2022 йил “16” МАРТ куни тарқатилди.  
(2022 йил “15” МАРТ даги 5 рақамли реестр баённомаси).



**Азамат Зиё**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, тарих  
фанлари доктори, профессор

**Х.С.Жуманазаров**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
тарих фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

**Н.А.Аллаева**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, тарих  
фанлари доктори, катта  
илмий ходим

## Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги интеграциялашув ва глобаллашув жараёнлари жадал кечаётган тарихий бир даврда аёлларнинг жамият ҳаётида тутган ўрнини ижтимоий мослашуви, гендер тенглиги, пандемия даврида аёлларга нисбатан “уй зўравонлиги”нинг ортиб бориши, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга ислом ва аёл муаммосини ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёнинг кўплаб илмий тадқиқот марказларида гендер масаласи, дин ва аёл, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳолати, маданияти ва кундалик ҳаёти антропологиясини ўрганиш устида иш олиб борилмоқда. Шу билан бирга она сайёрамизнинг турли минтақаларидаги этник жамоалар ва диний конфессияларда хотин-қизларга бўлган муносабат, хусусан, мусулмон жамоаларда хотин-қизларнинг ҳолати, тасаввуфда аёл сиймоси, шариат ва гендер, ислом феминистик герменевтикаси каби масалалар ўз ечимини кутмоқда.

Ўзбекистон мустақиллигининг сўнгги беш йилида барча давлат дастурларининг йўналишларида аёлларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ҳамда мавқеини ошириш муҳим аҳамият касб этиб борилмоқда. Зеро, аёлларимизнинг бахти-халқимиз, жамиятимизнинг бахтидир<sup>1</sup>. Айниқса, ўзбек аёллари турмуш тарзида ислом динининг тутган ўрнини этнологик материаллар асосида ўрганиш халқимиз маданияти, маънавий дунёқарашининг тарихий асосларини, диний урф-одат ва маросимлар генезиси ҳамда мазмун-моҳиятини тўлақонли ўрганишда ўзига хос ўрин тутди. Қолаверса, Ўзбекистон тарихининг турли босқичларида геосиёсий нуқтаи назардан “қайноқ нуқта” бўлиб келганлиги ҳамда ўзбек аёллари Россия империяси ва совет мустамлакачилиги даврида олиб борилган мафкуравий курашлар даврида ислом динини маросимлар уйғунлашуви тарзида сақлаб, кейинги авлодларга етказувчи бўлган бўлганлиги боис ҳам мазкур мавзуни илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганиш долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2021 йил 5 мартдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган хотин-қизларнинг оилаларни мустаҳкамлаш, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда уларнинг фарзанд тарбиясидаги ролини ошириш борасидаги вазифаларни амалга ошириш учун ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган учрашувдаги нутқи. 7 март 2018 йил. <https://uz.uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-khal-07-03-2018>.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий, ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” дастурининг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тадқиқот мавзусига оид адабиётлар даврий ва услубий ёндашув жиҳатидан уч гуруҳга бўлиб ўрганилди: 1. Мустамлака даври адабиётлари. 2. Мустақиллик даври тадқиқотлари. 3. Хорижий илмий ишлар.

Мустамлака даврида ўзбек аёллари турмуш тарзида ислом дини ва диний кадрятлар мавзусида шарқшунос, тарихчи, этнограф, фольклоршунос мутахассислар томонидан маълум ишлар амалга оширилган. Жумладан, М.Гаврилов, Гр.Андреев, М.Федоровский, Н.Н.Остроумов, Н.С.Ликошин, О.Михайлова, С.К.Артеменко, эр-хотин Наливкинлар, С.Любимова, И.А.Кривелев, Е.М.Пещерева, Л.И.Климович, О.А.Сухарева, М.А.Бикжанова каби муаллифларнинг тадқиқотларида минтақада ислом дини ва аёллар муаммоси хусусида мулоҳазалар билдирилган. Шунингдек, XX асрда нашр этилган даврий нашрлар “Туркестанские ведомости”, “Садои Туркистон”, “Ойина”, “Саодат” каби журнал ва газеталарда мавзу доирасида фикрлар билдирилган. Умуман олганда, бу даврда эълон қилинган ишларда ислом ва шариат кўрсатмаларида аёлларга бўлган муносабатдаги фақат таъқиқловчи, уларнинг ҳуқуқини камситувчи жиҳатларга эътибор қаратилган.

Мустақиллик йилларида Д.А.Алимова, Н.Ҳ.Азимова, И.Э.Худойбердиев, Д.А.Ортиқова, М.С.Восиқова, Қ.В.Нишонова, Н.Ж.Юсупова, Я.А.Абдуллаева, М.А.Каримова, А.А.Аширов, Қ.Насритдинов, З.А.Расулова, М.Х.Пайзиева каби муаллифларнинг тадқиқотларида кўриб чиқиладиган мавзуга доир айрим масалалар ёритилган. Истиклол давридаги адабиётларда ислом дини, асосан, диний ўзликни англашнинг негизи ва миллий мерос сифатида талқин қилинган.

Ислом ва аёл мавзусидаги хорижий нашрлар сифатида А.Гаудио, Т.Асад, М.А.Толмачева, В.Эмпири, М.Аззам, Х.Фатхи, А.Шиммел, Т.Ж.Уинтер, О.В.Горшуноваларнинг ишларини таъкидлаб ўтиш лозим<sup>2</sup>. Мазкур тадқиқотларда ўзбек аёллари кундалик турмуш тарзидаги ислом динининг айрим қирраларига эътибор берилган бўлиб, унинг маҳаллий хусусиятлари ҳақида етарли даражада маълумот берилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация ФА-А1-ГО25 ПВ-2014-0911000555 “Ўзбеклар: этник тарих, маданият ва анъаналар” мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек аёллари кундалик турмуш тарзида ислом

<sup>2</sup> Адабиётлар таҳлили диссертациянинг 1-бобида берилган.

динининг тутган ўрни, хотин-қизлар иштирокида ўтказиладиган маросимларнинг тарихий асослари, ривожланиш босқичлари ва Фарғона водийсига хос хусусиятларини этнографик материаллар асосида очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ислом динида аёлларга бўлган муносабат мавзусида бажарилган тадқиқотларни назарий-услубий жиҳатдан ва тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, илмий натижаларни умумлаштириш, аёллар иштирокидаги диний урф-одат ва маросимларни таснифлаш;

тарихий манбалар, этнографик дала ёзувлари ва архив материаллари асосида ўзбек аёллари кундалик ҳаёти, дунёқараши ҳамда маданиятида ислом динининг тутган ўрнини илмий асосда таҳлил қилиш;

ўзбек оилавий маросимлари таснифига кирувчи бола туғилиши ва тарбияси, никоҳ тўйи, мотам маросимлари билан боғлиқ урф-одатларнинг исломий жиҳатлари ҳамда уларнинг ижтимоий ҳаётни тартибга солиб турувчи вазифасини маданий антропология нуқтаи назаридан очиб бериш;

аёллар иштирокида ўтказилувчи маросимлар (гули армуғон, мавлуд, бибимушкулкушод, бибисешанба) ва аёллар зиёратининг ўзига хос этнолокал хусусиятларини илмий асосда ўрганиш;

ўзбекларнинг оилавий-маиший ҳаёти билан боғлиқ исломий анъаналарни этнографик материаллар асосида тадқиқ этиш орқали, ушбу маросимларнинг этно-худудий хусусиятларини очиб бериш ва тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда илмий хулосалар чиқариш.

**Тадқиқотнинг объектини** Фарғона водийси ўзбек аёлларининг кундалик ҳаёти, диний маросимлари ва маданияти ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** Фарғона водийси ўзбек аёллари кундалик ҳаёти ва дунёқарашида ислом динининг тутган ўрни ҳамда оилавий маросим ва урф-одатларнинг ўзига хос этнолокал хусусиятларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тарихийлик, қиёсий таҳлил, кузатиш, якка интервью, анкета сўровнома, эркин суҳбат каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Фарғона водийси аёллари кундалик турмуш тарзида миллий ва исломий қарашларнинг уйғунлашуви мазмуни категориал муносабатда барқарор табиатга эга бўлган маросимий дунёқараш симбиози эканлиги очиб берилган;

ўзбек аёллари орасида кенг тарқалган *Бибисешанба*, *Мушкулкушод*, *Мавлуд*, *Ашууро* маросимлари (вақти, тартиби, рамзлар ва таомлар)да қадимги диний культлар ва исломий қарашлар, табиат ҳақидаги экологик билимлар ҳамда кундалик ҳаётдаги муаммолар ечимига қаратилган психологик қарашлар уйғунлашганлиги далилланган;

Фарғона вилояти Олтиариқ тумани Дўсти Худо пирим зиёратгоҳидаги Арғувон гули (*Afghan redbud*)нинг баҳорда пушти рангда очилиши муносабати билан ўтказиладиган “Гули армуғон” маросими табиат култи, аёл илоҳа (Анахита) билан бирга исломий анъаналар (Қуръон оятларини

ўқилиши, қурбонлик, зикр) қоришуви асосидаги аёлларга хос этнолокал маросим эканлиги аниқланган;

Фарғона водийсида Муҳаммад (с.а.в.) авлодлари билан боғлиқ Сафедбулон (Қирғизистон Республикаси Жалалабод вилояти Олабуқа тумани), Биби Убайда (Фарғона вилояти Бувайда тумани) ва Хожи Барор (Фарғона вилояти Охунбобоев тумани) зиёратгоҳларидаги хотин-қизлар билан боғлиқ турли ашёлар (тош, дарахт, кокил) ва аёл илоҳалар билан боғлиқ халқ оғзаки ижоди (ривоят, асотир, афсона) маълумотлари маҳаллий аёлларга таскин, умид бериши каби руҳий-психологик таъсир этиши далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбек аёллари турмуш тарзида ислом дини билан боғлиқ қарашлар, замонавий ўзбек жамиятида ислом ва гендер муаммолари ҳамда исломий маросимларни ўрганиш бўйича этнологик сўровномалар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистонда аёллар турмуш тарзида ислом дини бўйича олиб борилаётган тарғибот ишларида, жумладан, Республикада маънавий ва мафкуравий ишларни такомиллаштиришга оид урта амалий тавсия ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тарих ва этнология фанларида тан олинган тадқиқот усулларининг қўлланилгани, илмий адабиётлар, диний манба ва архив материаллари, даврий нашрларга асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Фарғона водийси аёллари кундалик ҳаётида ислом ва аёл, аёлга бўлган муносабат ҳамда улар билан боғлиқ ижтимоий-оилавий муаммоларни бартараф этишга йўналтирилган ислоҳотларнинг амалга оширишнинг услубий асослари, назарий хулосаларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этиши билан изоҳланади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқотдаги умумлаштирилган маълумотлардан этнология бўйича илмий асарлар яратишда, Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўтиладиган этнология, диншунослик фанларидан маъруза матнлари тузишда кенг фойдаланиш имкониятини бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Ўзбек аёллари турмуш тарзига таъсир этган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий омилларнинг ислом дини ва “аёл муаммоси”, аёллар иштирокида ўтказилувчи маросимларнинг келиб чиқиши, муқаддас зиёратгоҳларнинг диний-маиший ҳаётда тутган ўрни ҳамда анъанавий урф-одат ва маросимларга оид тадқиқот натижаларидан Андижон вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг адабиёт ва халқ амалий санъат бўлими фондини шакллантиришда ҳамда кўргазма ташкил этишда фойдаланилган (Республика Маданият вазирлигининг 2021 йил 5 февралдаги

03-12-08-621-сон далолатномаси). Мазкур кўргазма натижасида Фарғона водийси аёллари иштирокида ўтказилувчи “Тули армуғон” маросими, зиёратгоҳлар билан боғлиқ қарашлар, аёллар зиёрати этнографик материаллар асосида тарғиб этилди;

XX аср давомида юз берган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг ўзбек аёллари турмуш тарзига таъсирига оид маълумотлардан “O‘zbekiston tarixi” телеканалининг “Etno...” кўрсатувларининг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон телерадиоканали” ДУКнинг 2021 йил 31 мартдаги 01-40-479-сон далолатномаси). Натижалар ислом ва аёл, ислом динида аёлга бўлган муносабат, муқаддас қадамжолар ҳамда зиёратгоҳларда аёллар зиёрати, оила ва ислом масалаларига хос тарихий қадриятлар, урф-одатлар ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламларига тарғиб қилишга хизмат қилган;

Фарғона водийси аҳолисининг анъанавий урф-одат, маросимларига тегишли материалларнинг хулоса ва тавсияларидан Ўзбекистон халқаро ислом академияси хузуридаги Малака ошириш марказининг Наманган минтақавий филиалида диний-маърифий соҳа ходимлари, хусусан, отинойилар ва жамоатчилик асосида фаолият юритадиган тарғиботчи аёл-қизлар учун ташкил этилган малака ошириш курслари ўқув дастурларини ишлаб чиқишда ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Андижон вилоят вакиллиги томонидан маҳаллий отинойилар ва хотин-қизлар учун ўтказилган “Қизлар одоби”, “Оила фароғат қасри”, “Глобаллашув жараёнида қизлар тарбияси” каби тадбирларда кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича кўмитанинг 2021 йил 26 мартдаги 02-03/1897-сон далолатномаси). Илмий янгиликлар аёллар турмуш маданиятини юксалтириш ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўллари белгилаб олишга ёрдам берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 14 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда қилинган маърузаларда муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича 27 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 10та (улардан 9 таси республика, 1 таси хорижий) журналларда мақола эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар, ахборотчилар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 155 бет.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари

ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти, предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти, илмий натижаларнинг жорий қилиниши тавсифланган.

Тадқиқотнинг **“Муаммонинг тарихшунослиги”** деб номланган биринчи бобида мустамлака даври ва мустақиллик йилларида аёллар муаммоси доирасида нашр этилган адабиётлар ҳамда хорижий тарихшуносликда мавзунинг ёритилиши таҳлил қилинган. Мазкур даврда нашр этилган илмий адабиётлар ва асарларда Фарғона водийси аёллари тумуш тарзида ислом дини ҳамда аҳоли ҳаётида тутган ўрнига оид қарашлар илмий-услубий жиҳатдан тадқиқ қилинган.

Фарғона аёллари турмуш тарзи ва уларнинг ҳаётида ислом динининг ўрни ҳамда таъсири тўғрисида XIX асрнинг биринчи чорагида алоҳида Сибирь корпуси таржимони Ф.Назаров томонидан маълумотлар йиғилган. Ф.Назаров 1813 – 1814 йилларда Қўқонга қилган ташрифи давомида Қўқон, Марғилон, Андижон, Наманган, Ўратепа шаҳарларида бўлиб, Фарғона водийси аёлларининг машғулоти ва ҳуқуқи масаласига эътибор қаратган<sup>3</sup>.

Мустамлака даври адабиётлари орасида ислом динининг ўрни ва роли, ислом динида аёл каби масалаларни ўз ичига олган ҳамда ўзбек аёлларининг кундалик турмуш тарзига бағишланган энг қизиқарли асарларлардан бири сифатида эр-хотин В.П.ва М.В.Наливкинларнинг **“Фарғона маҳаллий ўтроқ аҳолиси аёллари турмуш тарзидан очерклар”** номли асарини кўрсатишимиз мумкин.

Асарнинг асосий қисми водийдаги ўтроқ ўзбек аёлларининг кундалик ҳаёт тарзи, маҳаллий аёлларнинг кийиниш маданияти ва анъанавий машғулотларига бағишланган бўлиб, бу қисмда туғилишдан то вафотгача бўлган турли ёш босқичлари билан боғлиқ ҳаёт тарзи тўғрисидаги маълумотлар зикр қилинган. Китобнинг хулоса қисмида эса аёллар турмуш тарзининг алоҳида қирраларига, хусусан, кўп хотинлилик, никоҳни бекор қилиш, яширин фоҳишабозлик каби масалаларга оид мулоҳозалар билдирилган<sup>4</sup>. Умуман олганда, ушбу асар бу давр ўзбек аёллари турмуш-тарзини тадқиқ қилишда қимматли манба бўлиб ҳисобланади.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, никоҳ, диний маросимлар ва бошқа кўплаб ижтимоий муаммолари ҳақида XX аср бошларида чоп этилган **“Туркестанские ведомости”**, **“Ойина”** каби журнал ва газеталар саҳифаларида билдирилган фикрлар ўзига хослиги билан ажралиб туриши билан бирга тадқиқот мавзуи доирасидаги ўзбек аёллари турмуш тарзи ва ундаги ислом дини билан боғлиқ анъаналар, урф-одатлар ҳамда уларнинг асосий масалалари ҳақида илгари сурилган ғоялар муҳим аҳамиятга эгадир.

---

<sup>3</sup> Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. – Санкт-Петербург: Печатано при Императорской Академии наук, 1821. – С. 36-79.

<sup>4</sup> Наливкин В.П., Наливкина М.В. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. – Казань, 1886. – 244 с.

Умуман олганда, бу даврда яратилган адабиётлар ва этнографик тадқиқотлар нафақат турфа мавзуларга бағишланганлиги билан, балки дала материаллари, маҳаллий аҳоли турмуш тарзидаги ислом дини ва шариат қонун-қоидалари, анъаналарини чуқур ўрганишга бўлган эҳтиёжнинг шаклланиши Туркистон аёлларининг кундалик турмуш тарзи ҳақида тўлиқ бўлмаса-да, қисқа маълумотларнинг пайдо бўлиши, аёллар муаммосини ўрганиш борасидаги дастлабки қадам тарзида баҳолаш мумкин.

Совет даври муаллифлари асарларида динга, хусусан, ислом динига қарши атеистик усуллардан фойдаланилган. XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб тадқиқот мавзусига оид С.Любимова, Е.М.Пещереваларнинг асарлари чоп этилган<sup>5</sup>.

И.А.Кривелевнинг рисоласида асосий эътибор эзувчи жамиятда аёлларнинг камситилиш ҳолати, социалистик жамиятни қуришга қарши аёлларнинг диндорлигидан фойдаланиш каби маълумотларига қаратилган бўлса, Л.И.Климовичнинг асарида эса паранжи ва чачвоннинг ижтимоий, жисмоний салбий жиҳатлари, Фарғона водийси, Бухоро, Самарқанд вилоятларида яшовчи аёлларнинг паранжи ташлашлари ҳақида маълумотлар баён этилган<sup>6</sup>. Мазкур рисоалар Совет даврида динга, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига бўлган муносабатини, шунингдек, аёллар масаласини ўрганишда қиёсий маълумотлар беради.

Тадқиқотчи В.А.Потапованинг “Отношение религии к женщине” номли асарида совет тузуми ўрнатилгунга қадар бўлган жамиятларда аёлнинг ночор иқтисодий ва сиёсий аҳволи, эркак ва аёл ҳуқуқларидаги тенгсизлик каби муаммолар билан бирга, анъанавий дунё динлари асосини баён этувчи “Библия”, “Қуръон” каби диний адабиётлардаги аёлларга бўлган “камситувчи муносабат” ҳақида, шунингдек, XX асрнинг 50-йилларида аёллар турмуш тарзида дин томонидан белгиланган “чеклов”ларнинг камайтирилиши ҳақида тўхталиб ўтилган<sup>7</sup>.

Этнограф олималар О.А.Сухарева ва М.А.Бикжановаларнинг асарида аёллар турмуши ва XIX аср охири – XX аср бошларидаги аёлларнинг ўша давр замонавий аёллари аҳволига баҳо берилган<sup>8</sup>. Бу ўринда Муршида Бикжанованинг XX аср бошларида Наманган вилоятида ўзбек оиласи тарихи ҳамда аёлларнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётидаги иштироки ҳақидаги маълумотлари эътиборлидир<sup>9</sup>. Аммо тадқиқотнинг асосий қисмида эътироф этилган масалалар, хусусан, советлар даврида аёллар ҳаётининг ўзгариши, эркаклар билан тенгликка эришилганлигига кўпроқ эътибор қаратилган

<sup>5</sup> Любимова С. Как живут и работают женщины Средней Азии. – Москва.: Государственное издательство, 1925. – С. 27; Пещерева Е.М. Праздник тюльпана (*лола*) в сел. Исфара Кокандского уезда. – Ташкент., 1927. – С. 374-383.

<sup>6</sup> Кривелев И. Женщина и религия. – М.: ОГИЗ. Государственное Антирелигиозное издательство, 1937. -- 56 с; Пещерева Е.М. Праздник тюльпана (*лола*) в сел. Исфара Кокандского уезда. – Ташкент., 1927. – С. 374-383.

<sup>7</sup> Потапова В.А. Отношение религии к женщине. – Москва.: Ставропольское книжное изд-во, 1954. – С. 28.

<sup>8</sup> Сухарева О.А., Бикжанова М.А. Прошлое и настоящее селения Айқыран. Опыт этнографического изучения колхоза имени Сталина Чартакского района Наманганской области. – Ташкент.: АН УзССР, 1955. – 238 с.

<sup>9</sup> Бикжанова М.А. Семья и положение женщины в колхозах Наманганской области: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент., 1959. – С. 19.

бўлиб, фақат унинг ижобий жиҳатларига урғу берилгани мазкур масалаларда тўлақонли хулосалар чиқаришга имкон бермаслигига сабаб бўлган.

Ў.Аҳмаджонов, А.Қосимзода, Н.Йўлдошевлар ҳаммуаллифлигида нашр қилинган асарда ўзбеклар турмуш тарзида амалда бўлган турли исломий урф-одатлар, хусусан, авлиёларга ва уларнинг мазорларига сиғинишнинг тарихи ҳамда моҳияти, зиёратгоҳларда амалга оширилаётган урф-одатлар таҳлил қилинган<sup>10</sup>. Ўз навбатида шуни ҳам таъкидлаш керакки, мазкур муаллифларнинг айрим фикрлари мунозорали бўлиб, атеистик ғояларга асосланганлиги билан ажралиб туради. Умуман олганда, мазкур китоб XX асрнинг иккинчи ярмидаги ўзбек аёллари турмуш тарзида диний ва миллий қадриятларнинг тутган ўрни ҳамда ўзгаришлар хусусида хулосалар чиқаришда аҳамиятга моликдир.

Аёл ҳаёти ва дунёқарашига диннинг таъсири мавзуси диний маросимларга оид кўплаб тадқиқотларда тилга олинган. Кўриб чиқиладиган даврда мазкур мавзу замонавий халқлар турмуш тарзига ислом динининг таъсири даражасини минтақа мисолида кўрсатиб беришга ҳаракат қилган исломшунос тадқиқотчиларнинг тадқиқот предмети бўлган. Улар орасида исломнинг оила институти, мусулмон дини доирасида аёлнинг мавқеига исломнинг таъсири муаммосига асосий эътибор қаратилган М.В.Вагабовнинг тадқиқотини қайд этиш лозим<sup>11</sup>. Совет даври гуманитар фанларидаги ғоя билан боғлиқ маълум сабабларга кўра, ислом тадқиқотчилари оилавий муносабатлар доирасида минтақадаги исломнинг кучли таъсирини кўрсатган ҳолда диндан чиқариш (секуляризациясини) сиёсатини кучайтириб кўрсатишга ҳаракат қилганлар. Аксинча, маҳаллий аҳоли ҳаётига таъсир қилувчи исломгача бўлган диний эътиқод ва турли культларга эса кўпроқ эътибор қаратилган.

XX асрнинг 80-йилларида Н.Х.Азимова томонидан анъанавий оилаларда бола тарбияси муаммоси Андижон вилояти қишлоқ аҳолиси мисолида тадқиқ қилинган<sup>12</sup>. Тадқиқотчи қишлоқ жойларида яшовчи ўзбек оилаларининг анъанавий бола тарбиялаш тизимини ўрганиш асносида маҳаллий аҳолининг маиший ҳаёти, маҳаллада яшовчиларнинг ўзаро муносабатлари, ўзбекларнинг кундалик ҳаётида уламоларининг ўрни, ёшларга диний, ахлоқий ва меҳнат тарбиясини бериш, оила аъзолари ўртасидаги ўзаро алоқалар, ўзбек оиласининг тузилиши каби масалаларни кўриб чиққан.

Россия империяси ва совет даври тарихшунослигида мавзуга доир этнографик адабиётларнинг таҳлилинини яқунлар эканмиз, кўриб чиқиладиган масала юзасидан олиб борилган тадқиқотлар ўзининг бир ёқламалиги билан ажралиб турганлигини қайд этиш лозим. Турмуш тарзидаги анъанавийлик ва замонавийлик ўртасидаги муаммоларда замонавийликка кўпроқ эътибор берилиб, анъанавийлик ролини ўрганишга эътибор сусайди.

<sup>10</sup> Аҳмаджонов Ў., Қосимзода А., Йўлдошев Н. Ислам динида авлиёларга ва уларнинг мазорларига сиғиниш. – Тошкент.: Қизил Ўзбекистон нашр., 1959. – 67- бет.

<sup>11</sup> Вагабов М.В. Ислам и семья. – Москва.: Наука, 1980. – 174 с.

<sup>12</sup> Азимова Н.Х. Система традиционного воспитания детей в узбекских сельских семьях (на примере Андижанской области). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Москва., 1987. – 19 с.

Шу ўринда мустамлака давр тарихшунослигида жадид маърифатпарварларининг ўрни ҳамда ролига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Оила-никоҳ масаласи жадид маърифатпарварларининг доимий эътиборида бўлганини қайд этиш лозим. Жумладан, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Хифз-и сихат-и оила” (Оила соғлигининг ҳимояси) мақоласида оиланинг аҳволи ва ёш авлоднинг келажаги кўпинча инсоннинг ўз соғлигига нисбатан муносабатига боғлиқдир<sup>13</sup>, деган қараши мисол бўла олади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида аёллар масаласи тарихшунослиги бўйича қатор йирик тадқиқотлар олиб борилди. Жумладан, профессор Д.А.Алимова томонидан Ўрта Осиёда аёллар муаммосига бағишланган монографиясида мазкур муаммонинг тарихшунослиги ривожланишининг асосий босқичлари, Ўрта Осиё республикаларидаги аёллар таълимининг аҳволи ва аёллар муаммосининг ўрганилиши кенг таҳлил этилган<sup>14</sup>. Жумладан, аёллар меҳнати ва унинг халқ хўжалигидаги аҳамияти, XX асрнинг 20-80-йилларида Ўрта Осиёнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида аёлларнинг роли ва тутган ўрни ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Ушбу маълумотлар тадқиқот мавзусини ёритишда катта аҳамиятга эга бўлганлигини алоҳида эътироф этиш лозим.

Д.О.Ортиқова томонидан амалга оширилган тадқиқотда ислом динининг хотин-қизларга муносабатидаги ахлоқий қадриятлар фалсафий таҳлил этилган<sup>15</sup>. Шунингдек, мустақилликнинг дастлабки йилларида бир қатор мақолалар эълон қилинган бўлиб, уларда ислом ва аёл, аёлларнинг ҳаётда тутган ўрни ҳамда ҳуқуқлари, шариат қонун-меъёрлари, аёлнинг бурч ва вазифалари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган<sup>16</sup>.

Тарихчи олим, профессор Азамат Зиё томонидан ўзбек давлатчилиги тарихида, халқ ҳаётида, шунингдек, ижтимоий-сиёсий муносабатларида муҳим ўрин эгаллаган Тўмарис, Қабаж хотун, Сароймулкхоним, Гавҳаршодбегим каби бошқарувда таъсир кучига эга бўлган аёллар таҳлил этилган<sup>17</sup>. Ушбу маълумотлар, ислом кириб келмасидан олдин Ўзбекистонда қадим замонлардан бошлаб хотин-қизлар алоҳида мавқе, иззат ва обрўга эга бўлганликлари борасида ниҳоятда муҳимдир.

<sup>13</sup> Бехбудий М. Хифз-и сихат-и оила // Ойна. 1914. – № 1. 47-52-бетлар.

<sup>14</sup> Алимова Д.А. Женский вопрос в Средней Азии: история изучения и современные проблемы. – Ташкент.: Фан, 1991. – С. 3-8.

<sup>15</sup> Ортиқова Д.О. Исломнинг хотин-қизларга муносабатидаги реал ва мавҳум ахлоқий қадриятлар. Фал.фан.ном. ... дис. – Тошкент., 1993. 82-89-бетлар.

<sup>16</sup> Шодиёр Мутаҳҳарам ўғли. Чодрадаги аёллар. Мовароуннаҳр мусулмонлари. – Тошкент, 1992. – № 1. 10-13-бетлар; Абдуллазиз Мансур. Аёлларнинг ҳаётда тутган ўрни ва ҳуқуқлари. Мовароуннаҳр мусулмонлари. – Тошкент, 1992. – № 2. 8-12-бетлар; Абдулмажид Мусабек. Меҳру шафқат. Мовароуннаҳр мусулмонлари. – Тошкент, 1992. – № 2. 13-15-бетлар.; Анвар Мансур. Инсоннинг муҳим вазифа ва бурчлари нималардан иборат? Мовароуннаҳр мусулмонлари. – Тошкент, 1992. – № 2. 15-18-бетлар; Шайх Абдулғони Абдуллох. Тўй қилиш ва оила қуриш одоби. Мовароуннаҳр мусулмонлари. – Тошкент, 1994. – № 1. 4-7-бетлар.; Муҳаммад Али Ассобуний. Пайғамбар (А.С.)нинг жуфти ҳалоллари...; Оталар узр сўрамайди // Халқ сўзи. 7 август 1993 йил; Эҳром киймоқ саждагоҳга бош қўймоқ бирла баробардир // Халқ сўзи. 27 июль 1993 йил.

<sup>17</sup> Азамат Зиё. Ўзбек аёллари тарих саҳнасида. – Тошкент.: Фан, 2002. – 52-бет.

Н.Ж.Юсупованинг тадқиқотида исломда аёл ҳуқуқларини ўрганишнинг назарий-тадбиқий жиҳатлари таҳлил этилган<sup>18</sup>. Айнан муаллифнинг ишлари ўзбек аёллари турмуш тарзида ислом динининг ўрни ва ролини ёритишда ислом ҳуқуқида аёл ҳуқуқларини ўрганишда аҳамияти катта бўлди.

Тадқиқотчи О.Ж.Нишонова томонидан ўзбек аёлларининг этник маданиятининг ўзига хос кўринишлари ва белгиларига, ўзбек аёллари маънавияти, диний қадриятларнинг аёллар маънавиятида тутган ўрни, диний қадриятлар ва уларнинг ўзбек аёллари маънавиятидаги ўрни, оилавий-маиший маросимларда ўзбек аёлларининг ўрни ўрганилган<sup>19</sup>. Мазкур тадқиқот фалсафий жиҳатдан ёритилган бўлиб, унда ўзбек аёлларининг этник маданиятига кўпроқ этнологик жиҳатдан эмас, балки фалсафий жиҳатдан ёндашилганлиги боис, унинг этнологик асослари батафсил очиб берилмаган. Лекин шунга қарамадан, муаллифнинг қатор ишлари мустақиллик йилларида ўзбек аёлларининг этник маданиятини ривожлантириш масалалари, жумладан, ўзбек аёлларининг оилавий-маиший маросимлари хусусидаги айрим диққатга сазовор маълумотлари билан қадридир.

Этнолог олим А.А.Ашировнинг Фарғона водийси материаллари асосида ўзбек халқининг қадимий диний эътиқодларига бағишланган тадқиқоти<sup>20</sup> диссертациямиз учун ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзида ислом ва аёл муаммоси, оилавий маросимларнинг генезисини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Тадқиқотчи М.Қ.Ғаффорованинг Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизлар мавқеига оид диссертациясида аёлнинг оила ва жамиятдаги ўрнига бағишланган қизиқарли маълумотлар акс этган<sup>21</sup>. Мазкур тадқиқот аёлларнинг сиёсий ва ижтимоий жабҳалардаги фаолликлари, аёллар обрўсини оширишнинг социологик жиҳатлари ёритилган.

Азиза Шоназарова ўрта асрлар қўлёзма манбалар асосида Туркистон сўфий аёллар фаолиятини махсус тадқиқ қилган. Муаллиф ўрта асрларда тасаввуф йўналишида ҳам аёлларнинг диний билимдонлиги ва жамият ҳаётида муҳим ўринни эгаллаганлигига эътибор қаратган<sup>22</sup>.

Мустақиллик йиллари тадқиқотчиларнинг ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзида ислом ва аёл муаммоси билан боғлиқ қарашлари борасидаги изланишлари диссертацияда қайд этилган ислом билан боғлиқ маросимлар ҳамда урф-одатларни илмий жиҳатдан асослашда амалий аҳамиятга эга.

Ўзбек аёллари турмуш тарзида ислом дини ва унинг муаммоли томонлари ҳақида франциялик олима Хабиба Фатхининг<sup>23</sup> тадқиқотлари

---

<sup>18</sup> Юсупова Н.Ж. Ислонда аёл ҳуқуқларини ўрганишнинг назарий-тадбиқий жиҳатлари. 24.00.03 – Ислон ҳуқуқшунослиги: Юрид. фан. ном. ... автор. – Тошкент., 2005.

<sup>19</sup> Нишонова О.Ж. Ўзбек аёллари этномаданияти: генезиси, хусусиятлари, муаммолари (фалсафий-маданий ёндашув). 17.00.08 – Маданият назарияси ва тарихи: Фал. фан. ном. ... дис. – Тошкент., 2005. – 149 бет.

<sup>20</sup> Аширов А.А. Ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзида қадимий диний эътиқодлар (Фарғона водийси материаллари асосида). 07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология: Тар. фан. док. ... дисс. – Тошкент., 2007. – 317-бет.

<sup>21</sup> Ғаффорова М.Қ. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизлар мавқеи ҳақида. 22.00.00 – Социология фанлари (PhD) диссертацияси. – Тошкент., 2018. – 156 б.

<sup>22</sup> Shanazarova A. Manifestations of a Sufi Woman in Central Asia. – P.8.

<sup>23</sup> Fathi Habiba. Femmes d' autorite dans l' Asie centrale contemporaine. – Maisonneuve Larose, 2004. – 328 p.

диққатга сазовор бўлиб, у XX асрнинг ижтимоий-сиёсий ва тарихий муҳитида ўзбек аёллари турмуш тарзининг ривожланиш жараёнини ўзаро қиёсий тарзда таҳлил қилган. Бундан ташқари Марказий Осиё, шу жумладан, Фарғона водийсида аёлларнинг исломга муносабати ва аёлларнинг ҳаётида исломий анъаналарининг тутган ўрни, отинойилар институти каби мулоҳозалари аёлларнинг диний маданиятини ёритишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Германиялик исломшунос олима А.Шиммел анъанавий ва замонавий ислом жамиятида аёлга бўлган муносабат ва сўфизмда хотин-қизлар мавзусида қатор диққатга сазовор мулоҳозаларни билдирган<sup>24</sup>. Хусусан, жамият ҳаётида аёллар мавқеи анча паст даражага тушиб қолганлиги сабабини даврлар ўтиши билан юзага келган кўзда тутилмаган ҳолатлар, янги қонун-қоидалар ва сўфизмдаги тариқатлар вужудга келиши билан боғлаб талқин қилган.

Инглиз исломшунос олими Дж.Уинтер (Абдулҳаким Мурод) замонавий дунёда ислом ва унда гендер масаласи, ислом маданиятида аёл масаласи, умуман, XXI асрда постмодерн дунёсида ислом муаммоси кенгқамровли материаллар асосида таҳлил қилинган<sup>25</sup>.

XX аср ўзбек халқи турмуш тарзидаги ислом дини ва ундаги анъанавийлик ҳамда замонавийлашув жараёнларини таҳлил этганда россиялик О.В.Горшунованинг замонавий ўзбек аёли турмуш тарзига бағишланган асарида қадимги диний анъаналар ва ислом динининг аёллар турмуш фаолиятининг турли жабҳаларига, хусусан, аёлларнинг маънавий ҳаёти, жамият ва оиладаги аҳволига ўтказган таъсири баён этилади<sup>26</sup>. Хуллас, мазкур асар Фарғона водийси аёллар мавқенинг ижтимоий-иқтисоий ўзгариб бориш динамикаси, ислом ва аёл муаммолари, отинойилар фаолияти борасидаги масалаларни очиб беришда ниҳоятда муҳим тадқиқотдир.

Хорижий олимлар тадқиқотларида ўзбек халқи турмуш тарзидаги ислом дини кўп томонлама тадқиқ этилган бўлса-да, унда аёллар турмуш тарзидаги ислом дини ва замонавийлашган дунёда исломга етарли даражада эътибор берилмаган.

Диссертациянинг “**Ўзбек халқи турмуш тарзида ислом ва аёл муаммоси**” деб номланган иккинчи бобида ислом динида аёлларга бўлган муносабат, аёллар масаласи ва улар иштирокида ўтказилувчи маросимлар, отинойилар фаолияти, муқаддас зиёратгоҳларда аёллар зиёрати каби масалалар этнографик материаллар асосида ёритилган.

Ислом анъаналари асосидаги тарбиянинг бошида, албатта, аёл етакчи ўринга эга ҳисобланади ва шу боис унга нисбатан исломда мавқеига муносиб равишда муносабат билдирилган. Исломда аёлларнинг ўрни ва ўзига хос

<sup>24</sup> Аннамарие Шиммел. Жонон менинг жонимда / Немис тилидан Йўлдош Парда тарж. – Тошкент.: Шарқ, 1999. – 176-бет.

<sup>25</sup> Тимоти Ж. Уинтер. XXI асрда Ислом (Постмодерн дунёда киблани топиш). – Тошкент.: Шарқ, 2005.– 368-бет.

<sup>26</sup> Горшунова О.В. Узбекская женщина: социальный статус, семья, религия (по материалам Ферганской долины). – Москва., 2006. – С. 360.

хусусиятлари, жамиятдаги функциясини чуқур ўрганиш орқали улар мусулмон оламида қанчалар қадрланганини англаш мумкин.

Мусулмон қонунчилиги ва маданияти меъёрий асосларининг қомуси бўлган Қуръон ва ҳадисларда аёллар сиймоси борасида ўзига хос ижобий фикрлар билдирилган, чунончи, Қуръонда аёллар масаласига оид 309 оят мавжуд бўлиб, шундан 161 оят Маккада ва 148 оят Мадинада нозил бўлган<sup>27</sup>.

Ислом динида аёл улуғланади ва унинг ҳақ-ҳуқуқлари эркаклар ҳуқуқлари билан барабар этиб белгиланганлиги Қуръони Каримнинг Нисо, Ғофир, Аҳзоб ва Тавба сураларида баён этилган<sup>28</sup>. Тенг ҳуқуқлилиқ, асосан, кундалиқ турмушда, билим ва ҳунар эгаллашда, ишлаш ҳамда ижод қилиш каби соҳаларда бўлса-да, лекин аёлларнинг ўзларига хос нафосат, назокатларини ва кўнгиллари юмшоқлигини ҳисобга олганда, уларнинг зиммаларидаги масъулиятда ҳам бир оз фарқ сезилади.

Дала тадқиқотлари материаллари шуни кўрсатдики, диний урф-одатларни ўтказишда, кундалиқ ибодатлар, рўза, камбағалларга хайр-садақа қилиш, зиёрат қилиш кабиларда ҳам аёллар вазифалари эркакларникидан муайян даражада фарқ қилиши аниқланди. Шунингдек, аёллар учун фарқли енгиллик томонлари ҳам мавжуд бўлиб, масалан, аёл кундалиқ ибодат ва рўзадан хайз даврида, аёл ҳомиладорлик вақтида ва эмизикли ҳамда болага қараш даврида бола ёки ўз соғлиғига хавф сезилса, рўза тутмаслик ҳуқуқига эга бўлган. Агарда ўтказиб юборилган рўзани тутиб беришни ният қилган бўлса, аёл томонидан қолдирилган рўза ҳоҳлаган вақтда кейинроқ тутиб берилган<sup>29</sup>.

Жадид матбуотида ўғил болалар каби қизларга ҳам илм бериш муҳимроқ эканлиги таъкидланиб, "... ўқимоқ намоздек эр ва аёлга шаръан фарздур", деб мурожаат қилинган<sup>30</sup>. Фарғона водийсида шарқона ахлоқий меъёрлар ва шариат қонунлари асосида оилада аёл ҳамда қизларга нисбатан алоҳида муносабат ўрнатилган бўлиб, ота-она вафотидан сўнг, оиладаги энг катта ўғил – ота, энг катта қиз – она ўрнида ҳисобланади. Шунингдек, ислом дини қиз болага фарзанд бўлгани учун отасидан, жуфти ҳалоли бўлгани учун эридан, она бўлгани боис фарзандидан<sup>31</sup> мерос олиш ҳуқуқини берди. Бу ҳақида Нисо сурасининг 7, 11, 176-оятларида батафсил тушунтирилади<sup>32</sup>.

Дарҳақиқат, Ислом дини аёлни ҳам фарзанд, ҳам жуфти ҳалол, ҳам она бўлгани боис эъзозлайди.

XX аср аёллар турмушида ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маънавий характердаги улкан ўзгаришлар билан характерланади<sup>33</sup>. Буни биз биргина иқтисодий соҳада кўриб чиқадиган бўлсак, иқтисодий соҳада XIX аср

<sup>27</sup> Қуръони карим Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. – Тошкент.: Чўлпон, 1992. – 544 бет.

<sup>28</sup> Қаранг: Қуръони карим... – 496-бет.

<sup>29</sup> Дала ёзувлари. Андижон вилояти Булоқбоши тумани Найман кишлоғи. 2010 йил.

<sup>30</sup> Мусулмон хотунларида илмсизлик // Ойна (1914-1915). – Тошкент.: Академия, 2001. – 72 бет.

<sup>31</sup> Она олтидан бир меросни олади, меросхўрлар ичида меросхўрлар бўлмаса, онага мероснинг учдан бири тегади. Бу ҳақида батафсил қаранг: К.Нўъмонов, З.Қўлдашев, А.Ғофуров. Фароизус Сирожия. – Тошкент.: Тошкент ислом университети, 2010. 21-бет.

<sup>32</sup> Қуръони карим... – 55-56, 71-бетлар.

<sup>33</sup> Алимова Д.А. История как история, история как наука. – Ташкент.: Узбекистан, 2008. – 252 с.

охирларида Туркистон ўлкасининг Россия империяси томонидан истило қилиниши ва бошқарув низоми ҳамда тартибларига киритилган кўшимча ва ўзгартиришлар, сиёсий-иқтисодий манфаатларни кўзлаши оқибатида аёллардан ишчи кучи сифатида фойдалана бошланганлигини мисол тарзида келтириш мумкин.

Ўрганилган даврнинг биринчи босқичи энг фойдали иш бу пахтачилик соҳаси бўлиб, унда аёллар меҳнатидан фойдаланиш фаоллашган. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб саноатлаштишни кучайиши Фарғона водийси аёллари хўжалик фаолиятига яна ҳам қаттиқ зарба берди. Маълумки, ислом дини қоидалари уй хўжалигининг майда товар ишлаб чиқариш соҳасини (тикувчилик, тўқувчилик, пазандалик маҳсулотларини ва ҳ.к.) “ҳалол меҳнат” сифатида қўллаб қувватлайди<sup>34</sup>. Аксарият, бу соҳаларда аёллар меҳнати устувордир. Айнан мана шу соҳалар саноатлаштиш ва саноат маҳсулотларининг кўплаб ишлаб чиқарилиши, замонавий демографик ҳолат, кўп фарзандлик, қишлоқ хўжаликларига маошнинг камлиги туфайли оила бошлигининг даромади оиласидаги 5-6 та боласини боқишга етмаслиги, кўп фарзандли водий аёллари оиласини тебратишдаги кўшимча даромаддан маҳрум қилди.

XX аср бошларидан бошлаб хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий онги ўсиб, ривожланиб борганлигини Фитрат, Авлоний, Чўлпон каби жаҳид ҳаракати намояндлари томонидан жамият интеллектуал даражаси кўп томондан, унда аёлнинг ҳолати қандай эканлиги билан белгиланиши тўғрисидаги илгари сурилган ғояларида ҳам акс этган<sup>35</sup>. Бунга мисол тариқасида, жаҳид ташкилотларидан “Шўрои исломия” биринчи бўлиб ўз дастурига аёлларнинг сайловда қатнашиш ҳуқуқи масаласини кўшганлиги ва жамиятдаги ўзгаришларни айнан мусулмонлар ҳаётидаги аёлларнинг роли ҳамда ўрнини ўзида мужассам этган диний-маънавий, турмуш соҳаларидан бошлаш лозимлиги хусусидаги ғояларни қайд этиш мумкин<sup>36</sup>.

XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб аёлларнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий камситилиши ва хўрланишига қарши собиқ Советлар ҳукумати томонидан чора-тадбирлар амалга оширила бошлади ва хотин-қизларни “озодлик”ка чиқариш борасида қатор тадбирлар ишлаб чиқилди<sup>37</sup>.

Шарқ аёлларини “биқик” турмуш тарзидан озод ва эркин, маърифатли, тенг ҳуқуқли бўлишлари йўлида “Хужум” ҳаракати ва унинг фаолиятини таҳлил этувчи қишлоқ, туман (шаҳар), вилоят, республика аёллар бўлимлари (*женотдел*) томонидан амалга оширилган тадбирлар қатор ижобий натижалар билан бирга салбий оқибатларга ҳам олиб келган. Хотин-қизлар бўлимини ташкил этишдан мақсад аёлларни “ичкаридан ташқарига” чиқариш

<sup>34</sup> Азимова Н.Х. Система традиционного воспитания детей в узбекских сельских семьях (на примере Андижанской области). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Москва., 1987. – С. 9.

<sup>35</sup> Khalid Adeeb. The Politics of Muslim Cultural Reform. Jadidism in Central Asia. – Berkley-Los Angeles-London, 2008. – P. 113.

<sup>36</sup> Алимова Д.А. История как история, история как наука. Т. I. – Ташкент.: Узбекистан, 2008. – 252 с.

<sup>37</sup> Алимова Д.А. Женский вопрос в Средней Азии. История изучения и современные проблемы. – Ташкент.: Фан, 1991. – С. 11.

эди. Чунончи, бу борада Наманган вилояти Янгиқўрғон туманида хотин-қизлар клубининг фаоллари аҳоли орасида тўй, дафн маросими каби тадбирларда иштирок этиб, халқимизга хос миллий урф-одатларни ўтказишга қаршилиқ қилган<sup>38</sup>.

XX аср бошларидан эътиборан паранжи-чачвоннинг ислом дини билан алоқаси бор-йўқлиги тўғрисидаги турли қарашлар юзага келди. Бу борада “Туркистон ведомостлари” газетасида нашр этилган “Чодра (паранжи) керакми?”<sup>39</sup> номли мақолада Қуръонда ҳам, шариатда ҳам аёлларнинг паранжи кийиши шарт эканлиги қайд этилмагани тўғрисидаги фикрларини келтириб ўтиш жоиздир. Аммо шунга қарамай, коммунистлар томонидан дин қаттиқ қораланиши оқибатида айнан ислом дини ўзбек аёлларини эркин бўлиши ва паранжи-чачвон остига “маҳкум этган”ликда айбланди ва унга қарши “Хужум” ҳаракати остида қатъий кураш бошлади.

Марғилонда паранжига хужум бўлганида аёлларнинг кўпчилиги оқ бўз ёпиб юришган<sup>40</sup>. Паранжи ёпмай юрган аёллар исмига “очик” лақаби кўшиб айтилган, масалан, “Мастура очик”, “Фотима очик” ва х.<sup>41</sup> Паранжи ташлаш қанча-қанча аёлларнинг бегуноҳ қурбон бўлишига сабаб бўлган. Хотин-қизлар клуби аъзолари бу жабҳада фаол ҳаракат қилиб, уйма-уй юриб, паранжиларга ўт қўйишган. Бунга кўникмаган эркаклар эса ўз аёлларини тириклайин кўмиб юборган<sup>42</sup>.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари ва ундан сўнг, ўзбек аёлларининг турмуш тарзида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Уруш натижасида мамлакатдаги одам ресурсларининг кескин камайиши ва боқувчисини йўқотган оилаларда оилани боқиш вазифасининг аёл зиммасига тушиши каби омиллар аёлларнинг жамият ҳаётида муҳим роль ўйнашига олиб келди. Советлар тузумида аёлларнинг эркаклар билан тенглиги фақат ижтимоий меҳнат жараёнидагина деб тушинилиб, меҳнат қилаётган аёлгина қадрланди. Бу даврда аёлларнинг тунги сменаларда ишлаши, пахта далаларида машинани бошқариши, тонналаб пахта териши ҳам оддий ҳол эди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши натижасида аёллар масаласида янги давр бошланди. 1991 йил февралда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташкил этилди<sup>43</sup>. Мазкур кўмита Республикадаги аёллар муаммоларини ҳал этиш, оила, оналик ва болаликни муҳофазалаш, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби қатор муҳим вазифаларни ўз зиммасига олган<sup>44</sup>. Ўзбекистонда хотин-қизлар қатнашмаган бирон бир соҳани топиш қийин, хусусан, аёл – шифокор, муҳандис, ўқитувчи, олима,

<sup>38</sup> Дала ёзувлари. Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Искавот қишлоғи. 2008 йил.

<sup>39</sup> Туркестанские ведомости, 1910. – №. 213.

<sup>40</sup> Дала ёзувлари. Андижон вилояти Булоқбоши тумани Пахтаобод қишлоғи. 2008 йил.

<sup>41</sup> Дала ёзувлари. Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Искавот қишлоғи Гулистон маҳалласи. 2008 йил.

<sup>42</sup> Дала ёзувлари. Андижон вилояти Булоқбоши тумани Найман қишлоғи; Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани Искавот қишлоғи. 2008 йил.

<sup>43</sup> Саидов А. Аёлларнинг ҳуқуқлари тўғрисида // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари, 2010 – № 2(50). 7–8 бетлар.

<sup>44</sup> Абдурахимова Ф.Й. Хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий соҳаларда фаоллигини оширишда хотин-қизлар кўмитасининг ўрни ва вазифалари / Ўзбекистон хотин-қизлари: кеча ва бугун (илмий ва амалий конференция материаллари). – Тошкент., 2005. – 54–55-бетлар.

ёзувчи, жамоат ва давлат арбоби, шу билан бирга, Ўзбекистон Қаҳрамонларининг 8 нафари аёллар эканлиги ҳукумат томонидан аёллар масаласига қаратилаётган катта эътибор намунаси.

Хуллас, анъनावийлик ҳукм сурган XX аср бошларида Ўзбекистонда аёллар масаласи аёлнинг вазифа ва бурчлари фақатгина оила чегарасида деб тушунилган бўлса, замонавийлашиш жараёнида аёлларнинг жамият ҳаётига мунтазам аралашувига, уларнинг сиёсий ва иқтисодий жабҳалардаги фаолликларини оширишни назарда тутувчи бир қатор ижобий қадамлар қўйилганлигини эътироф этиш лозим.

Аёллар иштирокида ўтказиладиган ҳар бир маросим ўзининг муайян хусусияти ва характериغا эга. Шу ўринда, мазкур маросимларни ўтказишда отинийларнинг роли жуда муҳим аҳамият касб этади.

Фарғона водийси аҳолиси орасида отиний деганда асосан, аёллар орасида диний маросим ўтказувчи ва уларга диний таълим берувчи ҳамда тўғри ҳаётий маслаҳат берувчи аёл тушунилади<sup>45</sup>. Шунингдек, маҳаллий аёллар томонидан отиний деганда бошқаларга ибрат бўла оладиган даражадаги одоб-ахлоқли, тарбияли, асосийси диний манбаларни тўғри ўқий олган хотин-қизлар отиний сифатида баҳоланиб, эътироф этилади<sup>46</sup>. Отинийларнинг бугунги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаганининг сабаби унинг тарбия мактаби сифатида аёллар жамоаси томонидан тан олиншидир.

XX аср давомида Туркистонда отинийлар ва уларнинг фаолияти, шунингдек, эскича услубдаги ўқитиш ҳамда диний маросимларга қарши аёвсиз кураш олиб борилди<sup>47</sup>. Шунингдек, мазкур даврда етишиб чикқан отинийларнинг ҳам илмий, ҳам диний билимлари XIX аср бошларидаги отинийларникига нисбатан анча саёзлашди<sup>48</sup>. Натижада отинийлар ўртасида ҳам маълум масалаларга турлича ёндашувчи гуруҳлар юзага келди.

Умуман олганда, Фарғона водийсида ўтказган этнографик дала тадқиқотлари материаллари асосида отинийларни куйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1) совет тузуми даврида яширинча таълим олган ва *Бибисешанба* ва *Бибимушкулкушод* маросимини ўтказиш лозим деб ҳисобловчи, ўзбек тилида маросим ўтказувчи, назр берилиши лозим деб ҳисобловчи куйи даражадаги отинийлар;

2) Қуръонни тафсир қилиш билан бирга *Бибисешанба* ва *Мушкулкушод* оналарни дуолари қабул бўлувчи мўътабар зот деб ҳисобловчи ҳамда улар орқали Аллоҳдан гуноҳларни кечирилиши сўралади деган тушунча билан маросим ўтказувчи, назр берилиши керак деб ҳисобловчи ўрта отинийлар.

3) араб тилидан чуқур билимга эга ва Қуръонни тафсир қиладиган, *Бибисешанба* ҳамда *Бибимушкулкушод* маросимларини ислом динини бузадиган ва ширк келтирувчи маросимлар сифатида унинг ўтказилишига қарши бўлган, шу билан назр олиншини қораловчи юқори даражадаги

<sup>45</sup> Дала ёзувлари. Андижон вилояти Булоқбоши тумани Пахтаобод қишлоғи. 2008 йил.

<sup>46</sup> Дала ёзувлари. Андижон вилояти Андижон шаҳри Эски шаҳар маҳалласи. 2008 йил.

<sup>47</sup> За партию, 1927. – № 4. – С. 130.

<sup>48</sup> Дала ёзувлари. Андижон вилояти Андижон шаҳри Эски шаҳар маҳалласи. 2008 йил.

расмий отинойилар.

Дарҳақиқат, отинойининг фаолияти назарий жиҳатдан маърифат, илм бериш бўлса-да, бироқ уларнинг амалий фаолияти аёллар иштирок этувчи маросимларни ўтказиш бўлган. Фарғона водийсида ҳам отинойилар, асосан, *мавлуд*, *Бибисешанба* ва *Бибимушкулкушод* маросимларини ўтказишга етакчилик қилишади.

Бибисешанба маросими Фарғона водийсида сешанба куни нишонланади ва унинг шарафига зиёфат берилади. Фарғона водийсида ўтказилувчи “Бибисешанба” маросимида ўзига хос этнолокал фарқли хусусиятлар мавжуд. Жумладан, водийда Бибисешанба маросимида, асосан, умоч оши<sup>49</sup>, еттита чалпак, иккита шам, еттита нон, битта кулча, еттита чавати (ёғсиз қатлама) каби таомлардан биринчи ва иккинчи таомлар<sup>50</sup> тайёрланади. Ахборотчилар Бибисешанба маросимидаги махсус таомлар сонининг еттита ёки учта (Қўқонда учта чавати тайёрланади) бўлишининг боисини уларнинг етти опа-сингил бўлганлиги билан изоҳлайдилар<sup>51</sup>. Маросимий таом сифатида тайёрланадиган умоч оши<sup>52</sup>, асосан, ҳафтанинг сешанба ва чоршанба кунлари қилинган ҳамда уни тайёрлашда фақат аёллар иштирок этганлар.

Мушкулкушод Фарғона вилоятининг Олтиариқ тумани Бурбалик қишлоғида, Бувайда тумани Бувимозор қишлоғида, шунингдек, Қўқон шаҳрида сешанба кунида ўтказиладиган Бибисешанба маросимидан сўнг, куннинг иккинчи ярмида “Мушкулкушод” маросими ўтказилган. Андижон вилоятида чоршанба куни ўтказилади. Ахборотчиларнинг таъкидлашларича, сешанбанинг иккинчи ярми чоршанба саналиши туфайли “Бибисешанба маросими”, “мушкулкушод” маросимига қўшиб ўтказилади<sup>53</sup>.

Мустақиллик йилларида маросимда маросимий таом тарзда пишириладиган ҳалвойтар пиширилмаяпти, ширмой нон ҳам йўқолиб, ширмой нонга ўхшаган нон қўйилмоқда ёки маросимий таом тарзида пиширилган чалпак эндиликда тайёрланмаётган ҳолатлари кўплаб кузатилмоқда<sup>54</sup>.

Аёллар иштирокида ўтказиладиган расмий ислом маросимларидан бири бу *мавлуд* маросимидир. Одатда Фарғона водийсида мавлуд маросими, асосан, Рабиул-аввал ойида куннинг биринчи ярмида бошланади. Лекин кейинги йилларда мавлуд маросимини шомдан кейин ўтказиш одат тусига кирмоқда. Бундай қилинишига сабаб, кундуз куни иштирокчиларнинг ўқиши, иши, умуман, ўз юмуши бўлганлигини ҳисобга олинмоқда.

---

<sup>49</sup> Хамир ғалвирдан ўтказганда бугдойга ўхшаб тушади, кейин сутда қайнатилади, озгина туз солинади. Бу умоч оши дейилади.

<sup>50</sup> Иккинчи таомни тайёрлаш хонадон эгасининг ҳимматига боғлиқ бўлиб, ахборотчиларнинг кайд этишича, бу ихтиёрийдир.

<sup>51</sup> Дала ёзувлари. Андижон вилояти Андижон шаҳри Эски шаҳар маҳалласи. 2008 йил.

<sup>52</sup> Наманган вилояти Янгикўрғон туманида истикомат қилувчи кипчокларда “атала” дейилади. Бу ҳақда қаранг: Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий ... – 198-бет.

<sup>53</sup> Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Бувайда тумани Бувимозор қишлоғи; Қўқон шаҳри Собир Абдулла маҳалласи, Олтиариқ тумани Бўрбалик қишлоғи. 2008 йил.

<sup>54</sup> Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Бувайда тумани Бувимозор қишлоғи. 2008 йил.

Аёллар иштирокида ўтказиладиган маросимларидан яна бири *Ашуро* маросимидир. Фарғона водийсида ашуро маросимида аёллар битта уйда тўпланиб, ашурлик китобининг туркийча вариантыни ўқийдилар. Мазкур маросимда махсус маросимий таом ҳам пиширилмайди. Хонадон соҳибаси томонидан ихтиёрий тайёрланган таом “ашурлик оши” деб номланиб, маросим иштирокчиларининг олдига қўйилади. Маросим сўнгида Қуръон тиловат қилиниб, якунланади<sup>55</sup>. Бу маросимга қатнашишдан асосий мақсад жаннатда бўлиш ва гуноҳлардан покланишдир. Умуман олганда, Фарғона водийсида ўтказиладиган ашуро маросимини ўзига хос “хайрия”, “эхсон” маросимидир.

Баҳорги байрамлар тизимига кирувчи, Республиканинг бошқа ерларида учрамайдиган гул байрамларидан<sup>56</sup> бири “гули армуғон”<sup>57</sup> деб аталувчи маросимий сайл Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, Бурбалиқ қишлоғидаги Дўсти худо пирим зиёратгоҳида ўтказилади ва баҳорнинг эрта ёки кеч келиши ҳамда гулнинг очилишига<sup>58</sup> қараб маросимий тарзда, ҳар йили март ойининг охири апрель ойининг бошларида нишонланган. Биолог ва ботаник мутахассисларнинг берган хулосасига кўра, Дўсти худо пирим зиёратгоҳида ўсувчи армуғон гули тана ва баргининг тузилиши, ранги жиҳатидан Осиё арғувон гулларидан фарқланиб, у Ўзбекистоннинг бошқа ерларида учрамайди.

Мазкур маросимнинг яшовчанлигини сақлаб келаётгани унинг тасаввуф билан бевосита боғланганлиги ва отинойиларнинг мазкур маросимларни ўтказишдаги фикрларининг турфа хиллиги бўлса керак. Шунингдек, мустақилликдан сўнг миллий-диний анъаналарнинг қайта тикланиши ва унга бўлган кучли рухий эҳтиёж мазкур маросимларнинг кенг тарзда ўтказилишига сабаб бўлмокда.

Ўзбек халқи аёллар номига оид зиёратгоҳларга нисбатан кўп ҳолларда “Биби”, “Момо”, “Буви” атамаларини қўшиб айтиш билан уларни ўзларига энг яқин меҳрибон инсонлар сифатида қараб, онажонимиз, бувижонимиз, момомиз, дея ҳурмат маъносида тилга оладилар. Шу сабабли зиёратгоҳларда зиёратгоҳнинг асл номи кўп ҳолатларда айтилмайди. Халқ тилида *Бувимозор* номи билан аталадиган мазкур ёдгорлик фикримизнинг далилидир.

Фарғона вилояти, Бувайда тумани, Пошшопирим қишлоғидаги мазор *Йигит Пошио Пирим зиёратгоҳи* ҳам аёлларнинг асосий зиёратгоҳларидан бири ҳисобланади. Мазор шайхининг маълумотиغا кўра, бу ерга одатда фарзандсиз аёллар, бахти очилмаган қизлар, дарди борлар дардига шифо сўраб келиб, “чилла” тутиш йўли билан дардларига даво топишлари мумкин экан<sup>59</sup>.

Умуман олганда, муқаддас жойларни зиёрат қилиш кишилар руҳиятига

<sup>55</sup> Дала ёзувлари. Андижон вилояти Булоқбоши тумани Найман қишлоғи. 2010 йил.

<sup>56</sup> Гул байрами Ўрта Осиё халқларининг қадимий сайли ҳисобланади. Бу ҳақда қаранг: Жавлиев Т. Табиат, инсон ва дин. – Тошкент.: Фан, 1986. – 57-62-бетлар.

<sup>57</sup> “Гули армуғон” – бу гулнинг тожикча аталиши бўлиб, ўзбек тилида “арғувон гули” дейилади.

<sup>58</sup> Арғувон гулининг Қурама ва Угом тоғларида ўсувчи ёввойи тури апрель ойи бошида, Россия Федерациясида май ойида гуллади. Дала ёзувлари. Тошкент шаҳри. Ахборотчи Нина Ивановна Штонда. Ботаника боғининг илмий ходими, 2010 йил.

<sup>59</sup> Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Бувайда тумани Пошшопирим зиёратгоҳи. 2008 йил.

катта таъсир кўрсатган. Кишиларнинг хулқ-атвори, маданиятининг юксак савияда бўлишида муқаддас зиёратгоҳлар ва уларни зиёрат қилиш ахлоқ-одоб меъёрлари бўлиб хизмат қилган.

Диссертациянинг **“Оилавий маросимларда миллий ва диний анъаналарнинг уйғунлашуви”** деб номланган учинчи бобидан ислом динида оила тушунчаси, бола туғилиши ва тарбияси билан боғлиқ маросимларда исломий анъаналарнинг ўрни ҳамда роли, никоҳ тўйи билан боғлиқ исломий урф-одатлар ва уларнинг ривожланиш босқичлари, мотам маросимларидаги исломгача ва исломий қарашларнинг ўзаро синкретлашуви жараёни Фарғона водийсидан тўпланган маълумотлар асосида таҳлил этилган.

Оила жамиятнинг бир бўлагидир. Маълумки, оилани аёلسиз тасаввур этиш мушкул. Аёлни оиланинг барқарорлигини, давомийлигини сақловчи хилқат сифатида ҳам таърифлаш мумкин. Бу ҳақда Қуръон Каримнинг “Бақара” сураси 223-оятда “Хотинларингиз зиёратгоҳингиздир”, бу сўзлар билан Қуръон “эр-хотиннинг яқинлашувидан фарзанд талаб қилиш эканлигига ишора қилмоқдир”<sup>60</sup> каби оятлар бир неча бор такрорланади.

Ислом инсонларни жуфт бўлиб яшамоқлари ниҳоятда шарафли инсоний йўллар билан бўлишини кўзда тутган. Инсон оилада ўсади, ижтимоий тарбиянинг бошланғич шартлари билан оилада танишади, вояга етади. Илм-маърифатга, атроф-муҳитга оқилона муносабат, ишчанлик, меҳнатсеварлик, кишиларга нисбатан меҳру оқибат, аввало, оилада шаклланади. Оила тушунчаси деганда нафақат оилани бошқариш, тартибга солиш, уни асрай билиш, эр-хотин, фарзандлар, қариндошлар ўртасидаги ўзаро муносабат, шунингдек, оилани боқиш учун унинг иқтисодий асоси анъанавий ислом динида ҳам, замонавий ўзбек жамоасида ҳам оила тушунчасининг ажралмас бўлаги сифатида тушунилишини қайд этиш лозим.

Оиладаги эр-хотин ўртасидаги, ота-она ва фарзандлар, кўни-кўшни ва қариндошлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда ҳам ахлоқ, одоб тарбияси муҳим бўлиб, бунда аёлнинг ўрни бениҳоя катта ҳисобланади. Аёлларнинг ўзларига хос бўлган хушмуомилалиги, ифбат ва латофатлари, назокатлари, оналарга хос меҳрибонлик фазилатларининг мавжудлиги сабаб ҳам улар эъзозга ва ҳурматга сазовор дея эътироф этилади. Бу хусусда Қуръони Каримнинг “Нур” сурасида исломий оилаларда барпо қилиниши зарур бўлган тоза ва покиза муҳит ҳақида баён қилинади<sup>61</sup>.

Демак, ислом динида оила тушунчасидаги устувор қарашлардан бири оиладаги муҳит ҳисобланади.

XX аср охирига келиб Фарғона водийсида доимий равишда оммавий ахборот воситалари бонг уриб келаётган зиёли аёлларнинг бола боқиш учун “четга чиқиб қолаётгани”га қарши кураши оилага маълум маънода салбий таъсир қилди. Энг ачинарли томони шундаки, ота-боболаримизнинг минг йиллик тажрибаларидан воз кечиб, сохта мафкура асосида Қуръон ва ҳадисдан ажралиб, тарбия берувчиларнинг ўзи тарбияга муҳтож бўлиб

<sup>60</sup> Қуръони карим... – 27 бет.

<sup>61</sup> Қуръони карим... – 250-256-бетлар.

етишди. Оқибатда ўзбекона оила анъаналарининг бузилиши XX асрнинг сўнгги йилларига келиб, айрим балоғатга етмаган қизларнинг иффатини бой бериши ёки ўсмирларнинг қамоққа тушаётгани каби салбий таъсирларнинг кўпайишини келтириб чиқарди.

Ўзбек оиласи ва оилавий муносабатларида қайнона-келин муносабати алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Ахборотчиларнинг эътироф этишича, оила тинчлиги учун қайнона ва келин ўртасидаги муносабатлар ҳам жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, улар орасида ўзаро муросавий муносабатлар шаклланиши ва бунда сабр-бардошлилик, бир-бирини тушуниш, хурмат қилиш, уруш-жанжалларнинг оилага келтирадиган зарарини англаб етишга эришиш муҳимлиги айтилади<sup>62</sup>.

Ислом дини мусулмонларга бараварига тўртта хотин олишга рухсат беради. Рухсат дегани, албатта, олиш шарт дегани эмас. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф таъкидлаганидек: “Кўпчилик Ислом дини ҳақида ҳеч нарса билмасаларда, аммо 4 та хотинга уйланишга рухсат берганини яхши биладилар”. Биттадан ортиқ хотин олишнинг ўзига хос шартлари бўлиб, “Ал-Ислоҳ” журналида берилган савол-жавобларда ҳам, хотинлар ўртасида адолатли бўлишни, бир хил нафақа, турар жой, муомала ва бирга бўлишни таъмин қилишни шарт қилган<sup>63</sup>. Агар мазкур шартлар бажарилмаса, биттадан ортиқ уйланишга рухсат берилмаган”. Мазкур масала юзасидан ахборотчилар билан бўлган суҳбатда шу нарса аён бўлдики, иккинчи жаҳон уруши йиллари очлик сабабли раис ва омборчиларнинг хотини кўп бўлиб, хоҳлаган аёлини бугдой эвазига никоҳига олган<sup>64</sup>. Ахборотчилар берган маълумотларга кўра, Фарғона водийсида айрим эркаклар иккинчи хотинга одатда яширинча уйланиб, адолатли муносабатда бўла олмаяптилар. Шунини таъкидлаш лозимки, айнан бу шартларга риоя қилмаганлар аҳоли томонидан ҳам, дин томонидан ҳам қораланади. Назаримизда, бундай ҳолатга, яъни кўп хотинлилик шартларидан беҳабарликнинг юзага келиши Совет даврида исломга қарши олиб борилган атеистик курашлар натижасидир. Шу сабабли жамиятда яширин кўпхотинликнинг кўпайиши муаммоларнинг ривожланишига олиб келган.

Фарғона водийсида XIX аср охири – XX аср бошларида ҳомиладор аёл, асосан, ўз уйида, фавқулудда жиддий ҳолатларда (ҳомиладорликнинг охириги босқичида) онасининг уйида доя назорати остида фарзандини дунёга келтирган бўлса<sup>65</sup>, XX асрнинг 50-60-йилларидан сўнг ҳомиладор аёллар ўз фарзандини замонавий шифохоналарда врачлар кўриги остида дунёга келтира бошлаган<sup>66</sup>.

XX аср охириларида келиб *ақиқа* маросимини ўтказиш кенг тус ола бошланган. Андижон шаҳрида сўнгги ўн йил давомида ақиқани аҳолининг

<sup>62</sup> Дала ёзувлари. Андижон вилояти Булоқбоши тумани Найман кишлоғи. 2008 йил.

<sup>63</sup> Улуғбекова З.А. XX аср бошида Туркистон ижтимоий-сиёсий ва диний-маърифий ҳаётида “Ал-ислоҳ” журналининг тутган ўрни. Тар. фан. ном. ... дис. – Тошкент., 2011. – 144 бет.

<sup>64</sup> Дала ёзувлари. Андижон вилояти Булоқбоши тумани Ширмонбулоқ кишлоғи. 2009 йил.

<sup>65</sup> Қаранг: Наливкин В., Наливкина М. Очерк быта... – С. 170.

<sup>66</sup> Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Қўқон шаҳри Собир Абдулла маҳалласи. 2008 йил.

тахминан 60 % ўтказаетган бўлса, қишлоқларда эса бир, иккита оилани ҳисобга олмаса, хонадон эгалари ҳаттоки тўла тушунчага эга эмаслар. Ҳозирда мазкур маросим икки, уч соат давом этиб, асосан, пешин намозидан сўнг ўтказилади<sup>67</sup>. Аёллар томонидан ақиқа маросими учун алоҳида тайёргарлик кўрилади. Яқин қариндош аёллар томонидан болага ҳадялар берилади ва олиб келинган янги кийимлар болага кийгизилади.

Ўзбек хонадоидаги қизлар, биринчи навбатда, ота-онага итоатда, катталарга ҳурматда бўлиш руҳида тарбияланганлар. Улар одобнинг нозик томонларига ўргатилган. Шунинг учун ҳам улар ҳар доим серназокат бўлишган. Қизлар ёшлик чоғлариданоқ белгиланган хулқ-одобни ўзлаштиришган. Масалан, қизлар ўтирган уйга ташқаридан ота-она ёки катта акалари кириб келишса, улар ўрниларидан туриб, салом беришга ўргатилган. Катталар билан бўлган мулоқотларда ўзларини вазмин тутишга, берилган саволларни эркак кишининг юзига деярли қарамай, гавдани биров эгиб, осойишта оҳангда жавоб беришга ундалган. Ўзбек хонадонларида ёшлигидан бошлаб қизларни меҳмон келса табассум ила кутиб олишга, эпчилик билан кўлига дарров сув қуйишга ҳаракат қилишга ўргатилади. Бизнинг кузатишларимиз шуни кўрсатдики, Фарғона водийси ўзбек оилаларида қизлар тарбиясига ўғил болаларга нисбатан масъулиятлироқ ёндашилар экан<sup>68</sup>. Назаримизда, бунинг сабаби ота-оналарнинг қизларнинг келажаклари ҳақида кўпроқ қайғуришлари, ота-боболаримизнинг анъанавий услубларига таяниб, уларни рўзғор ишларига кўпроқ жалб этишларидир. Қизлар уй юмушларига кўпроқ тортилади. Тонгда туриш ва эшик очиш, уйни йиғиштириш, ҳовли ва кўчани чиннидек қилиб супуриш, кийим бичиштикиш, кир ювиш ва кўплаб бошқа ишларга ўргатилишининг асосий сабабларидан яна бири бу хусусиятларнинг ислом динида ҳам қатъий талаб этилиши туфайлидир. Қизлар тарбиясига бўлган бундай масъулият, уларни меҳнатга ўргатишдан мақсад уларни бўлажак оилавий ҳаётга пухта тайёрлашдир<sup>69</sup>.

Хуллас, ҳар бир халқ ўз турмуш тарзи, иқтисодий шарт-шароити, маънавий-ахлоқий қарашлари ва эътиқодига мос равишда ўз авлодини тарбиялаб боради. Ўзбек халқи оиласида бола туғилиши ва тарбияси билан боғлиқ халқона исломий анъаналар, урф-одат ва маросимлар ўзбек халқи маданиятининг бир бўлаги бўлиб, уларнинг асосий ғоявий асоси соғлом ва комил фарзандни вояга етказишдан иборатдир.

Ахборотчиларнинг таъкидлашларига кўра, касал ётган одамни яқинлари унинг баданини гигиеник жиҳатдан тартибга келтириб, шариат бўйича ўлими яқинлашаётган одамга мачитдан имом чақиртириб Ёсин суръаси<sup>70</sup> ўқитилади. Агар жон бераётган аёл киши бўлса отинойи чақиртиришган. Отинойи арабча ўқишни билмаса, у ҳолда имом эшик ёнида баланд овоз билан Ёсин

<sup>67</sup> Дала ёзувлари. Андижон вилояти Булоқбоши тумани Найман қишлоғи. 2010 йил.

<sup>68</sup> Дала ёзувлари. Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Искавот қишлоғи Гулистон маҳалласи. 2008 йил.

<sup>69</sup> Дала ёзувлари. Андижон вилояти Булоқбоши тумани Ширмонбулоқ қишлоғи. 2008 йил.

<sup>70</sup> Қуръони карим. 36-сура.

сурасини ёки Қуръоннинг бошқа оятларини ўқиган<sup>71</sup>.

Фарғона водийсининг Қўқон, Андижон ва яна бошқа шаҳарлари аҳолиси орасида дафн куни овоз чиқариб йиғлаш одати йўқолиб бораётгани, бу аёллар ўртасида дафн маросимлари билан боғлиқ исломий қарашларнинг ривожланаётганининг тасдиғидир.

## ХУЛОСА

Ўзбек аёллари турмуш тарзида ислом дини ва ундаги анъанавийлик ҳамда ўзгаришларни этнографик материаллар асосида тадқиқ қилиш бизга қуйидаги асосий хулоса ва таклифларни баён этишга имкон берди:

1. Ислом дини билан боғлиқ маросимлар (мавлуд, ашуро, бибисешанба, бибимушкулкушод, гули армуғон, ақиқа, никоҳ, мотам) моҳияти, мазмуни ва ўтказилишига кўра, аёлнинг оила ва жамиятдаги ўрнини мустақамлашни ўзида мужассам қилган. Тадқиқот жараёнида тўпланган материаллар ўзбек аёлларида замонавий турмуш тарзининг шаклланиши жамиятнинг замонавийлашуви муҳити билан боғланган ҳолда узлуксиз давом этганлигидан далолат бермоқда.

2. Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби, Фарғона водийсида ҳам ўзбек аёллари иштирокида ўтказилувчи маросимлар “Гули армуғон”, “Бибисешанба”, “Бибимушкулкушод”, “Ашуро”, “Мавлуд” каби маросимларни ўтказиш анъанаси бўлган.

3. Шунингдек, водийда оилавий муаммоларни ҳал қилишда отинойиларнинг ўзига хос ўрни бўлган. Бошқачасига айтганда, отинойилар (диний билимга эга бўлиши учун махсус ўқитилиши), уларнинг фаолияти турфа хил бўлиши билан бирга, аёлларнинг ўзига хос маънавий ва руҳий етакчиси, хотин-қизлар жамоаси кайвониси бўлганлиги аниқланди.

4. Водий зиёратгоҳлари ва қадамжолари ўзбек миллий маданиятининг муҳим компонентларидан бири сифатида, қадимдан халқнинг турмуш тарзи қай даражада шаклланганлиги ва ривож топганлигини, аҳолининг моддий-маънавий маданияти, ижтимоий-сиёсий ҳаёти қай тарзда кечганлигини кўрсатади.

5. Фарғона водийси ўзбек аёлларининг турмушида миллий ва диний анъаналар узатувчиси ҳисобланган оила ҳамда оилавий маросимларда исломий анъаналарнинг ўрни мустамлака даврида “диний сарқит” сифатида сиқувга олинishi, оила билан боғлиқ масалалар (маҳр, қалин, талоқ, нафақа, иқтисодий ва маънавий масъулият ва ҳ.к.)нинг унутилишига олиб келган бўлса, мустақиллик йилларида миллий ва диний ўзликни англашнинг ривожланиши билан бирга оилавий маросимлар (фарзанд туғилиши, никоҳ ва мотам маросимлари)да ҳам дин омили сезиларли даражада ортди.

6. Турли даврларда юз берган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий туб ўзгаришларга қарамасдан, никоҳ билан боғлиқ миллий ва диний анъаналарнинг маҳаллий аҳоли ҳаётида муҳим аҳамиятини йўқотмай

---

<sup>71</sup> Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Бувайда тумани Пошшопирим қишлоғи. 2008 йил.

келаётгани аниқланди. Шунингдек, мустақиллик йилларида диний қадриятларнинг қайта тикланиши баробарида Фарғона водийси аҳоли орасида никоҳ тўйи билан боғлиқ равишда исломий асосга эга бўлган маҳр ва исломий тўй каби одатлар маълум ижтимоий гуруҳлар орасида оммалашиб бораётганини кузатдик.

7. Ўзбек оиласида фарзанд тарбияси ўта муҳим эътибор талаб қиладиган масалалардан бири саналиб, бола туғилиши ва тарбияси билан боғлиқ халқона исломий анъаналар, урф-одатларнинг асосий ғоявий асоси соғлом ва комил фарзандни вояга етказишга қаратилгани этнографик материаллар асосида тасдиқланди. Қолаверса, сўнгги йилларда водийда суннат тўйи билан ақиқага ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, кенг оммалашаётгани аниқланди.

8. Фарғона водийсида аёл киши вафоти билан боғлиқ барча расм-русум ва урф-одатлар марҳуманинг энг яқин кишилар (маҳрам)и иштирокида исломий меъёрлар асосида бажарилади. Лекин шу билан бирга ўзбек халқи мотам маросимлари оилавий маросимлар циклидаги бошқа маросимлар (фарзанд туғилиши ва никоҳ)га нисбатан консерватив бўлганлиги боис уларда исломий қарашлар билан билан бирга тотемизм, анимизм, сеҳргарлик, аждодлар эътиқоди каби қадимий диний эътиқодлар қоришган ҳолда учрашини кўриш мумкин.

Хуллас, юқорида билдирилган хулосалар ва фикрлардан келиб чиққан ҳолда ўрганилаётган муаммога оид қуйидаги таклифларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Аёлларни эъзозлаш халқимизнинг қадриятларидан эканлиги, жамиятда ҳамда оилани мустаҳкамлашда аёлларнинг ўрнини кўтариш борасида мамлакатимизда сўнгги йилларда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, гендер тенгликни таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш ҳамда маънавий-маърифий соҳадаги ислохотларни ўзида акс эттирган “Ислом ва аёл”, “Ўзбек аёли жамият кўзгуси”, “Аёл, жамият ва дин” номли туркум кўрсатувлар ташкил этиш.

2. “Ўзбеккино” миллий агентлиги билан ҳамкорликда миллий ва диний қадриятларнинг етказувчиси бўлган аёлларнинг турмуш тарзини ёритувчи, уларга нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантиришга хизмат қилувчи хужжатли ва бадиий фильмлар яратиш, уларни телеведение орқали намойиш этиш ҳамда визуал антропология ва миллий кинофестиваллар танловларига тақдим этиш.

3. Ўзбек аёли мавқеини, аёлнинг ижобий фазилатларини, меҳр, вафо ва садоқат тимсоли эканлигини акс эттирувчи видеоролик, сайтлар ва реклама баннерлар яратиш ҳамда кенг жамоатчилик орасида тарғибот ишларини йўлга қўйиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 02/30.12.2019. Tar.56.01.  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ  
ИСТОРИИ АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**  

---

**АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**МАДИНА БОТИРЖОНОВНА КАРИМОВА**

**ИСЛАМ В ПОВСЕДНЕВНОЙ ЖИЗНИ УЗБЕКСКИХ ЖЕНЩИН  
(на примере Ферганской долины)**

**07.00.07 – Этнография, этнология и антропология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ИСТОРИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент, 2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по историческим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером V.2019.4 PhD / Таг 67.**

Диссертация выполнена в Андижанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.fati.uz](http://www.fati.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Адхамжон Азимбоевич Аширов**  
доктор исторических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Алишер Худайбердиевич Дониёров**  
доктор исторических наук, профессор

**Нодирбек Ураимович Абдулахатов**  
кандидат исторических наук

**Ведущая организация:**

**Национальный университет  
Узбекистана имени Мирзо Улугбека**

Защита диссертации состоится “ 6 ” апреля 2022 года в 10:30 часов на заседании Научного совета DSc. 02/30.12.2019. Таг.56.01. по присуждению ученых степеней при Институте истории Академии наук Республики Узбекистан (Адрес: 100047, г. Ташкент, ул. Яхья Гулямова 70. Главный корпус Академии наук, 110-кабинет. Тел.: (99871) 233-54-70; факс: (99871) 233-39-91; e-mail: [info@fati.uz](mailto:info@fati.uz). Институт истории АН Республики Узбекистан).

С диссертацией можно ознакомиться в Фундаментальной библиотеке Академии наук Республики Узбекистан (зарегистрирована за №     ) (адрес: 100170, г. Ташкент, улица Зиёлилар, д.13.). Тел : (99871) 262-74-58; факс: (+99871) 262-34-41).

Автореферат диссертации разослан      «      »      2022 года.  
(реестр Протокола рассылки № 5 от «      »      ) 2022 года.

**Азамат Зиё**  
Председатель Научного совета  
по присуждению ученых степеней, д.и.н., профессор

**Х.С.Жуманазаров**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии по историческим наукам, PhD

**Н.А.Аллаева**  
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.и.н.



## **Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В исторический период, когда процессы интеграции и глобализации всё больше набирают обороты, наряду с изучением роли женщин в жизни общества, их социальной адаптации, гендерного равенства, роста домашнего насилия в отношении женщин в условиях пандемии, защиты их прав и интересов, актуальное значение приобретает вопрос исламской религии и женщины.

Во многих исследовательских центрах мира ведутся изыскания в области гендерных вопросов, религии и женщины, социального положения, культуры и антропологии повседневной жизни женщин. Вместе с тем в разных регионах нашей планеты ждут своего решения вопросы, касающиеся отношения к женщинам в разных этнических общинах и религиозных конфессиях, в частности, положения женщин в мусульманских общинах, образа женщины в суфизме, шариате, гендерных отношений, исламской феминистской герменевтики.

В период независимости за последние пять лет во всех направлениях государственных программ Узбекистана важное значение придаётся повышению роли и статуса женщин в семье и обществе. Ибо, если счастлива женщина — счастливы семья и обществе<sup>1</sup>. Особенно актуальным является изучение роли ислама в образе жизни узбекских женщин на основе этнологических материалов, что позволит полноценно исследовать исторические основы культуры и духовного мировоззрения узбекского народа, а также генезис и глубинную сущность его обычаев и обрядов. Более того, поскольку Узбекистан на разных этапах истории становился «горячей точкой» с геополитических позиций, то в условиях идеологической борьбы, сопровождавшей эпоху российской и советской колонизации, узбекские женщины сохраняли исламскую религию в виде симбиоза с традициями и обрядами, являясь связующим звеном с грядущими поколениями, что придаёт особую актуальность данной теме в качестве объекта научного исследования.

Диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, обозначенных в постановлениях Президента Республики Узбекистан «Об организации деятельности Министерства по поддержке махалли и семьи Республики Узбекистан» от 18 февраля 2020 г., «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы поддержки и обеспечения активного участия женщин в жизни общества» от 5 марта 2021 г., а также в других нормативно-правовых актах, направленных на укрепление семей, сохранение национальных и общечеловеческих ценностей и повышение роли женщин в воспитании детей.

---

<sup>1</sup> Выступление Президента Узбекистана Шавката Мирзиёева на встрече, посвящённой Международному женскому дню. 7 марта 2018 г. <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-khal-07-03-2018>.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан I. «Формирование системы инновационных идей и пути их осуществления для социального, правового, экономического, культурного, духовно-образовательного развития информационного общества и демократического государства».

**Степень изученности проблемы.** Опираясь на хронологический и методологический подходы, литература по теме исследования была изучена будучи разделена на три группы: 1. литература колониального периода; 2. публикации периода независимости; 3. зарубежные исследования.

В колониальный период тема исламской религии и религиозных ценностей в образе жизни узбекских женщин в определённой степени была изучена специалистами - востоковедами, историками, этнографами, фольклористами. В их числе следует назвать таких авторов, как М.Гаврилов, Гр.Андреев, М.Федоровский, Н.Н.Остроумов, Н.С.Лыкошин, О.Михайлова, С.К.Артёменко, супруги Наливкины, С.Любимова, И.А.Кривелев, Е.М.Пещерева, Л.И.Климович, О.А.Сухарева, М.А.Бикжанова. В периодических изданиях XX в. «Туркестанские ведомости», «Садои Туркистон», «Ойна», «Саодат» публиковались размышления на религиозные темы и проблемы женщин региона. В целом, в публикациях этого периода основной акцент делался на запреты и ущемление прав женщин в исламе и шариате.

В период независимости вышел в свет ряд работ Д.А.Алимовой, Н.Х.Азимовой, И.Э.Худойбердиева, Д.А.Артыковой, М.С.Васиковой, К.В.Нишановой, Н.Ж.Юсуповой, Я.А.Абдуллаевой, М.А.Каримовой, А.А.Аширова, К.Насритдинова, З.А.Расуловой, М.Х.Пайзиевой, осветивших некоторые аспекты рассматриваемого нами вопроса. В литературе периода независимости исламская религия, в основном, трактуется как источник религиозной идентичности и национальное наследие.

Среди зарубежных исследований по теме ислам и женщина следует отметить работы А.Гаудио, Т.Асада, М.А.Толмачёвой, В.Эмпири, М.Аззама, Х.Фатхи, А.Шиммель, Т.Дж.Уинтера, О.В.Горшуновой. Однако в данных работах не содержится в достаточной степени информации о локальных особенностях исламской религии в образе жизни узбекских женщин<sup>2</sup>.

**Связь темы диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где была выполнена диссертация.** Диссертационное исследование выполнено в рамках прикладного исследовательского проекта ФА-А1-Г025 ПВ-2014-0911000555 «Узбеки: этническая история, культура и традиции».

**Цель исследования** заключается в том, чтобы на основе этнографических материалов раскрыть рол исламской религии в повседневном образе жизни узбекских женщин, а также рассмотреть

---

<sup>2</sup> Анализ литературы подробно изложен в первой главе диссертации.

исторические основы, этапы развития, характерные для Ферганской долины особенности обрядов, совершаемых женщинами.

**Задачи исследования:**

с теоретико-методологических и истографических позиций проанализировать исследования об отношении к женщинам в исламе, обобщить научные результаты, классифицировать религиозные обычаи и обряды, совершаемые женщинами;

на основе исторических источников, полевых этнографических материалов и архивных документов проанализировать роль исламской религии в повседневной жизни, мировоззрении и культуре узбекских женщин;

в ракурсе культурной антропологии рассмотреть исламские аспекты узбекских семейных обычаев и обрядов, связанных с рождением и воспитанием детей, свадебными торжествами и трауром, а также их функцию, регулирующую общественную жизнь;

с научных позиций изучить этнолокальные особенности обрядов (гули армуган, Мавлуд, Биби Мушкулкушад, Биби Сешанба) и паломничеств, совершаемых женщинами;

посредством изучения на основе этнографических материалов исламских традиций в семейно-бытовом укладе жизни узбеков раскрыть этнолокальные особенности этих обрядов, сформулировать научные выводы, обоснованные результатами исследования.

**Объект исследования** составляют повседневная жизнь, религиозные обряды и культура узбекских женщин Ферганской долины.

**Предметом исследования** является роль исламской религии в повседневной жизни и мировоззрении узбекских женщин Ферганской долины XX в., а также уникальные этнолокальные особенности семейных обрядов и обычаев.

**Методы исследования.** В диссертации использованы такие методы, как историзм, сравнительный анализ, наблюдение, индивидуальное интервью, анкетный опрос, свободная беседа.

**Научная новизна исследования** заключается в следующем:

